



Ҷ. Хўжағиёзов

ОЙДАНА




Ғасербой Хўжакиёзов

# ОЙДАНА

ПОВЕСТЬ



ЎзССР ДАВЛАТ БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЕТИ  
ОШКЕНТ—1962



Бу повестда ҳозирги колхоз ҳаёти, колхозчиларнинг фидокорона меҳнати, кишилар онгидаги эскилик сарқитларига қарши кураш тасвирланади. Асарнинг бош қаҳрамони Ойдана софдил, меҳнатсевар, кишиларга меҳрибон аёл. У меҳнат майдонида жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатади.

Қорақалпоқчадан  
СОБИТ ТОИРОВ  
КАМОЛ МАМБЕТОВ  
таржимаси

Хўжаниёзов Усербой.

Ойдана. Повесть. Қорақалпоқчадан Собит Тоиров  
ва Камол Мамбетов таржимаси. Т., Узадабийнашр.  
1962.

84бет.

Хужаниязов У. Айдана. Повесть.

С (Қарақал.)

Баҳор келиши билан кунлар исиб кетди. Қиш уйқусидан уйғонган дов-дарахтлар яшил либос кийди. Баҳор ёмғирига тўйган ер бетини кўм-кўк майса қоплади. Шўх шамол паға-паға булутларни қувади. Баҳорни қўтлаб чуғурлашаётган қўшлар кўкда чарх уриб учади.

Шундай ёқимли кунларнинг бири. Тонг отиб, уфқ қизара бошлаган пайт. Овул ўртасидаги катта уйнинг кунга қараган эшиги ғирчиллаб очилди-да, керза этик кийган аёл катта белкурак кўтариб чиқди. У белини энлик камар билан боғлаб олганди. Бошидаги рўмоли бўлмаса, бўйи-баста келишган бу аёлни эркакдан ажратиш қийин эди.

У овул ўртасидаги тепаликка чиқиб, белкурагига суянган ҳолда атрофга кўз югуртирди. Аёл бировни кутаётганга ўхшар, бироқ ҳеч ким куринмас эди. Ниҳоят, унинг тоқати тоқ бўлиб: «Нега имирсишаркин?» деб пичирлади. Қўшларини чимириб, ўйга чўмди.

Тепа бағридаги баланд-паст уйларнинг қийшайган муриларида буралиб чиқаётган тутун кўкка таралмоқда. Пахмоқ булутлар вазмин сузади.

Шу вақт чап томондаги уйдан енгилгина кийинган келинчак чиқди. Унинг қўлида ҳам ихчам белкурак бор эди.

— Ҳой, Паризод! Имилламай, чаққонроқ юрсанг бўлмайдими?— деди тепа устидаги аёл.

— Чой ичиб чиқай деб, кечикдим, — узини оқлади Паризод яқинлашиб.

— Бошқа одамлар қани?

— Билмадим.

— Нега билмайсан? Кеча барвақт чиқамиз деган ўзинг эмасидинг? Сўзимизнинг устидан чиқмасак ишимизда барака бўладими?

— Бир сафар кечиринг, Салима опа,— деди Паризод қизариб.

— Бировни кутишдан ҳам ёмон нарсa борми, эсли-ҳушли одамларсиз, уят эмасми?

Паризод алланима демоқчи бўлиб турган эди, тўрт томондан кетмон, белкурак кўтарган одамлар келиб қолишди. Улар худди мажлисдан чиққандай бир-бирлари билан баҳслашиб келарди.

— Мунозарани далага борганда қилсанглар бўлмай-дими?— деди Паризод.

— Гапингга опанг қоқиндиқ, бормисан!— деди Салима жонланиб.— Қуруқ кекирдак чўзгандан кўра тезроқ далага борайлик, шу ёқда бемалол гаплашаверамиз.

— Ҳўп бўлади Салимахон, бўлди қиламиз.

— Мен бир оғиз ҳам гапирганим йўқ, гапни уйга қўйиб келдим.

— Бўлди, бўлди,— деди Салима илжайиб.— Қани, кетдик.

Тупланганлар белкурак, кетмонларини елкага олиб, йўлга тушишди. Шу пайт хипча бел, қош-кўзи бахмалдай қора бир қиз югуриб келиб, ўзини тўпга урди. Паризод билан ёнма-ён кетаётган Салима ҳалиги қизга ҳазил қилди:

— Ҳа, Насибали! Қуён қувиб юрибсанми?

— Ухлаб қолибман,— ҳақиқатга кўчиб қўя қолди Насибали.

— Ўтган йилгидек юзимиз шувит бўлиб юрмайлик тағин, қароғим. Бу йил икки ҳисса ишламасак уятга қоламиз-а?

Йўл бошлаб келаётган Салима сомон зарралари тўзғиб ётган Охунерга етганда тўхтади. Ҳамроҳлари белкуракларига суяниб, унинг ҳаракатини кузата бошладилар. Салима қўлига тупириб олиб, белкуракни ерга ботирди. Ҳаммалари энгашиб, тупроқни уқалаб кўришди. «Жуда соз, тобида» деб бир-бирига кўрсатишди.

— Тупроқнинг мазаси йўқ, ҳеч нарсa битмайди,— деб билагонлик қилди Жилкелди мўйлов.

— Нега мазаси йўқ бўларкан, еб кўрувдингизми?— деб ҳазиллашди Салима, унга тупроқни кўрсатиб.— Бунинг нимаси ёмон?.. Ҳосилнинг кони-ку, ахир! Ойдана бу жойни танлаб тўғри қилган. Эҳтимол агрономлар билан маслаҳат қилгандир.

— Ойдана опамнинг эри агроном-ку, ёрдам бергандир,— деб гапга аралашди Насибали.— Нурхўжа оға ишнинг кўзини биладиган одам!

— Албатта, бу ер раисга ҳам, ер ўлчовчиларга ҳам маъқул бўлган,— деди Салима.

Салима катта япалоқ белкурагига суяниб Ойдананинг гапини эслади.

«Ёши каттамыз ҳам, ишбошимиз ҳам ўзингизсиз, деган эди унга Ойдана кеча кечқурун. Одамларга кўз-қулоқ бўлиб турунг. Танлаган еримиз пастлик. Анча қийналамыз. Лекин иш оғир деб уни тўхтатиб қўёлмаймиз. Захобига эҳтиёт бўлинг. Мен эртага кечикиб келсам керак».

Салима шунда Ойданага далда берди. Қўлимиздан келганини аямаймиз, хотиржам бўл деб, унинг кўнглини кутарди.

Насибали белкуракдаги тупроқни Салимага кўрсатмоқчи бўлиб келаётганида Жилкелди мўйлов тегажақлик қилди:

— Ҳой пучуқ, чумолидай жонинг бор, эҳтиёт бўл, яна ойингдан балога қолмайлик.

Насибали чимирилиб, унга жавоб қилди:

— Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил деганлар. Сизнинг кучингиз оғзингизда холос.

Бу гап Жилкелди мўйловга наша қилиб, кулиб юборди.

— Ҳо-ҳо-ҳо! Ўб-бў, тирмизак-е!

— Кулинг Жилкелди оға, кулинг. Лекин билиб қўйинг, гап гавдада эмас, ҳа.

— Ҳо-ҳо-ҳо-о!..

Насибали қовоғини солди. Салима гапга аралашгандан кейин ҳазил, кулги тўхтади.

— Бу ерга ўғитни қаердан олсак бўларкин?— деди Салима ўйланиб.

— Сафарга чиққан кишининг хуржунда нони бўлади,— деди Жилкелди мўйлов.— Ойдана ўғитни ғамлаб қўйгандир.

— Эҳтимол ғамлаб қўйгандир ҳам, лекин биз унинг

келишини кутиб ўтирмай у ёқ-бу ёқни кўздан кечирайлик.

— Шошилмайлик, мабодо Охунер бошқа бригадага ўтиб кетса, меҳнатимиз зое бўлади,— деди Жилкелди мўйлов ўжарлик билан.

— Ундай бўлса ҳам зарар кўрмаймиз. Ер бошқа бригадага ўтганда ҳам ётга кетмайди, бир қозонга тушади. Бизга пахта мўл бўлса бўлди,— деди Салима.— Қани, бу ёққа юринглар!— Салима одамларни Охунернинг ўртасидан бошлаб кетди.

Алланималар ҳақида хаёл суриб турган Насибали ҳам белкуракни елкасига қўйиб йўлга тушди.

Насибали ўн йиллик мактабни ўтган йили тамомлади. Баъзи дугоналаридай олий мактабга киришга шошилмади. У ҳаётни ўрганиб, чиниқиб, кейин ўқишни давом эттирмоқчи эди. Насибалининг орзуси — ер тилини биладиган агроном бўлиш. Ёш қизни далага шу орзу етаклаган эди. Қиз юрак амрига қулоқ солди.

Бироқ унинг ота-онаси анча вақт унинг бу ишидан норози бўлиб юрди.

— Қизим, ёш жонингни қийнаб нима азоб, ўқишнингда муаллима, ё доктор бўлардинг,— дер эди отаси.

Бир кун отаси яна ўша эски гапни қўзғаган эди Насибали кўнглида бор гапни айтиб қўя қолди.

— Ўқиш қочмайди, бир оз тажриба орттириб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотсам кейин ўзимга енгил бўлади,— деди.

Отаси шундан кейин Насибалининг ишига аралашмай қўйди.

Мана ҳозир ширин хаёллар оғушида маст бўлган Насибали дўстлари қаторида гулдай яшнаб борар эди.

## II

Ойдана идорага кетаётиб, йўл-йўлакай ўтган йилги воқеани эслаб борарди.

Ариқ, сойларда сув биллурдай тиниқ оқа бошлаган куз кунларининг бири. Дарахтларнинг олтинсимон япроқлари шилдираб тўкилади, ёқимсиз шамол чиябўридай увуллаб, қумни тўзитади. Қуюн кўз очиргани қўймайди. Шундай кунларнинг бирида Ойдана трактор сўраш учун раиснинг идорасига борар эди. Ойдана кафти

билан юзини тўсиб олган. Тиши орасида қум гичирлайди. У туртиниб-сургиниб юриб боради. Ойдана шу алфозда бошлиқнинг кабинетига кириб келди. Унинг аҳволига кўзи тушган Нурхўжа ағрайиб қолди:

— Ҳа, тинчликми ўзи?

— Тинчлик, кеча ваъда қилинган тракторга келдим,— деди Ойдана ранжиб.— Рамат оғанинг йўқлиги роса ишнинг белига тепди-да.

— Рамат тракторни сенларга олиб кетди-ку!

— Жуда сози!— деди Ойдананинг чеҳраси очилиб.— Мен энди қайта қолай.

— Йўқ-йўқ, ҳавонинг авзойи бузуқ. Бир оз сабр қилсанг, ёришиб қолади.

— Ёш бола эмасман-ку, қайтай, ишнинг бошида бўлишим керак.

Ойдана овулга қайтди. Бўрон пича тинган, фақат ёқимсиз шамол эсиб турар, хаво бир оз очилган эди.

Ойдана трактор олиб келишга кетганда овул кексалари бошини сарак-сарак қилиб, ёқаларини ушлашди. Бир-иккита оғзига кучи етмаган кампирлар, унинг орқасидан қарғаб қолишди.

Трактор овулга кечқурун етиб келди. Баъзилар трактор келганини ёқтирмай, ҳар хил бемаъни гапларни тўқиб бичишди.

— Анови манжалақи Ойдана трактор олиб келибди, Охунерни ҳайдатармиш,— деди Малпейнинг онаси.

— Жуда соз. Мен у ерни Қалдейга олиб бераман, кўрасиз, пахта яхши битади,— деди Малпей.

— Шаккоклик қилма, нодон! Илойим касофати Ойдананинг бошига кўринсин,— деди кампир титраб-қақшаб.— Охунер авлиёларнинг пой-қадами теккан муқаддас жой. Унга қўл урганнинг охирати кўяди. Юзи қора бўлади. Кўзи кўр, оёқ-қўли шол бўлади. Сен ҳам, Қалдей ҳам ундан нари юринглари!

Малпей иккиланиб, эътироз билдирди:

— Бурноғи йил у ерга шоли экилган эди, ҳеч нарса қилгани йўқ.

— Экилган эди, тўғри. Хўш, ахийри ўша шоли эккан киши нима бўлди, ўз бошини еб кетди. Ҳа, худонинг газабига учради.

— Э, Қамол отани айтяпсизми? Балки ўз ажали билан ўлгандир, қаёқдан биласиз. Охунернинг ҳосилини еганлар бинойидек юришибди-ку.

Кампирнинг бешбаттар жаҳли чиқди. Кўзларини ола-кула қилиб, бақириб берди:

— Она сути оғзидан кетмаган боласан, нимани билардинг. Охунерда ишлаган қайнағам, нима бўлди? Улди! Камол ота улди. Мана мени айтди дерсан, шу жойда ишлаганларнинг ҳаммасини ер ютади. Офатга учрамай десанг Охунерга қадам босма!

— Бўлмаган гап, хурофот,— деди Малпей.

— Худо беҳабар, шак келтирма,— мушт дўлайтирди кампир.— Сен қараб тур, Ойдананинг оғиз-бурни қийшайиб қолади. Охун отамнинг арвоҳи уради. У киши оқиб турган сувни кетига қайтариб юборадиган уламо шайх эди. Ойдана пахта экиб тиллага бота қолсин, сен тинч-лигингни кўзла!

Малпей ўйланиб, кампирга ён берди.

— Майли, ерни Ойдана ҳайдайверсин. Ҳамма гуноҳ унинг бўйнига тушади. Ер тайёр бўлгач Қалдейга олиб бераман. Балоси Ойданага, пахтаси Қалдейга бўлсин.

Малпей шундай қарорга келиб, Ойдананинг уйига борди. Ойдана болалари билан чой ичиб ўтирар, Нурхўжа кўринмас эди.

— Кел, тўрга ўт,— деди Ойдана ўрнидан туриб.

Малпей қуроқ кўрпачага чордана қуриб ўтирди-да, мезбоннинг рухсатисиз чўнтагидан папирос олиб чека бошлади.

Ойдана унинг олдига чойнак-пиёла келтириб қўйди.

— Трактор олиб келдик. Эртага Охунерни ҳайдашга киришамиз,— севинчини яширолмай деди Ойдана.

— Ҳм... Яхши бўлибди,— деди Малпей чойдан ҳўплаб.— Бироқ, бир ёмон жойи бор экан, Ойдана. Овул халқи шу ишдан норози бўляпти.

— Нега? Ким экан у пахтадан мўл ҳосил олишимизни хоҳламайдиган?

— Йўқ, пахтадан мўл ҳосил олишингга ҳеч ким қарши эмас,— деди Малпей ўчиб қолган папиросини қайта-қайта сўриб.— Сендан хавотир олишяпти.

— Менга нима бўбди, отдайман-ку!

Малпей кампиридан эшитган миш-мишларни айтишга юраги дов бермай турарди.

— Охунер «хосиятли» жой, унга қадам босган одамни арвоҳ уради дейишяпти.

Ойдананинг пешонаси тиришди.

— Ким айтди? — деди жаҳл билан.

— Овул кексалари айтишяпти. Биров у ерга шоли эккан экан, ер ютибди. Яна бири шол бўлиб қолибди.

— «Қорақалпоқ ирим қилади, ирими қирғин қилади» деган мақол бор. Диний хурофотга ишонмаслик керак. Охунерни албатта гуллатамиз!

— Оғзинг қийшайиб қолса, майлими?

— Қўрққанга қўшалоқ кўринади. Вайсақилар менга оғиз-бурун бермай қўя қолишсин.

— Албаттаку-я, лекин сенга раҳмим келяпти-да.

— Раҳминг келса бемаъни гапларни бас қил. Одамларни ишдан совутиб қўясан.

— Майли, бироқ кейин айтмади деб гина қилмасанг бўлди.

— Бошқаларни қўявер, шу миш-мишга ўзинг ишонасанми?— деб сўради Ойдана.

— Ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмайман,— деди Малпей.

«Қора мўридан қора тутун чиқади», деб кўнглидан кечирди Ойдана. «Бунинг дилида ҳам ёмонлик борга ўхшайди. Ё мени синаш учун айтаётганмикин?..»

— Икки кеманинг бошини тутган ғарқ бўлади! Тарознинг шайинидай икки томонга салом бермай, бир гапда туриш керак,— деди Ойдана.

Малпей қизариб, гарданини қашлади. Кўнглида «бу билан адик-бадик айтишнинг ҳожати йўқ, бошқа йўл топиш керак»,— деди-да, гапни ялпизлади: ўзинг биласан, бизга пахта бўлса бўлди, хайр, яхши қол,— деб ўрнидан турди.

... Ойдана эрта туриб, тракторчига ёрдамлашди, кейин ўғлини Жилкелди мўйловни айтиб келишга юборди. Мўйлов ҳаялламай етиб келди.

— Жилкелди оға, бугун тракторчига қарашиб турсиз,— деди Ойдана.

— Мендан бошқа одам қуриб қобдими?— деди Жилкелди хурпайиб.

— Ҳамма кўрак чувияпти, бўш одам йўқ.

— Кўрак чувсам чувийман, бироқ тракторчига қарашмайман. Ажалимдан беш кун бурун ўлишга шошилаётганим йўқ,— деб гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолди у.

— Ҳа, олабўжи бор эканми у ерда? Нимадан қўрқасиз полвон?— сўради Ойдана.

— Менга ҳам жон керак, шол бўлишга тобим йўқ.

— Ёлғон!..— деди Ойдана қизишиб. Агар сиз уйлагандай бўлса, нега манови тракторчи қўрқмаяпти. Мен ҳам аёл бошим билан ишляпман-ку. Майли, сизлар қўрқсанглар ўзим бораман. Сизлар овулга тиргак бўла қолинглар!

Бу гаплар Жилкелди мўйловга игна санчгандай таъсир қилса ҳам бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури деб, серрайиб тураверди. У қимир этмагач, Ойдана кўнгидаги бор гапни айтиб қўя қолди:

— Халқ бахти йўлида улсам одамлар мени унутмайди. Бу эзгу ишни ўз хамёнимиз учун эмас, халқ учун қиляпмиз Қани, тракторни ҳайда, йигит!

Жилкелди мўйловнинг устидан совуқ сув қуйилгандай сесканди. Ўз қилмишидан уялиб, кабинага ўтираётган Ойдананинг ёнига келди.

— Мен ҳам бораман,— деди у.

— Қўя қолинг, чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди. Сиз пунктга пахта олиб борасиз,— деди Ойдана.

Трактор Охунерга жўнади. Шу кундан бошлаб Охунерда трактор овози эшитила бошлади. Трактор бўз ерни ағдариб борар, чўчиган қушлар галаси осмонда парвоз қиларди.

Ойдана кечгача тракторчи билан бирга Охунерда ишлади. Қош қорая уйига келаётиб Жилкелди мўйловга дуч келди. Ҳориб-чарчаган Ойданага кўзи тушган Жилкелди мўйлов:

— Эртага тракторчига мен қарашаман — деди.

— Бу эртаги иш, Жилкелди оға. Ҳозир биз овқатланиб бўлиб, яна ишга тушамиз,— деди Ойдана,— сиз билан эртага далада учрашамиз.

— Маъқул, қароғим.

Ойдана елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди.

### III

Идорада зўр тортишув бошланди. Тўрдаги креслода энгашиб ўтирган кулча юз, тишлари кемтик, дум-думалоқ киши одамларга олазарак назар ташларди. У бир оздан кейин чағир кўзларини Ойданага тикиб жаҳл билан сўради:

— Гапга ҳеч қулоқ солмайсан, қанақа ўжар аёлсан, ахир?

Ойдана ҳозиргина гапириб бўлган бошлиқнинг камчиликларини очиб ташлаган эди. Илгари бир гапи икки бўлмаган раис унинг бетгачопарлигидан хафа бўлди:

— Ўзингдан каттанинг гапига қулоқ солиш керак, синглим. Сендан битта-иккита кўйлакни ортиқ йиртганмиз.

— Албатта қулоқ соламиз. Лекин ақл ёшда эмас, бошда деган гапни ҳам унутмаслик керак,— деди Ойдана раиснинг кўзига дадил боқиб. Кейин, стулга ўтиришни унутиб гапини давом эттирди:

— Бор гапни айтдим Рамат оға, гапга тушунмайдиган ёш бола эмассиз. Мени ҳам, ўзларингизни ҳам қийнаманглар-да.

— Мен ҳеч нарсага тушунмадим.— Рамат дўрдуқ лабларини тилининг учи билан ялаб қўйди. Бу унинг жаҳли чиққанининг белгиси эди.— Ҳа, ҳеч нарсага тушунмадим,— деб такрорлади у.

— Нимага тушунмайсиз?

— Билмадим,— Рамат, қисик кўзларини пирпира-тиб, елкасини қисди.

— Билишингиз керак, Рамат оға. Охири...

— Ҳеч тортинмай айтаверинг, синглим?

— Барибир, гапирган билан тингламайсиз.

— Нега? Бемалол, гапираверинг.

— Ҳа, эшитайлик, қани!— деди раиснинг ёнида ўтирган қаншари паст, ола кўз, сариқ Малпей.

Бошқа одам қуриб кетгандай раиснинг Малпейга маслаҳат солиши Ойдананинг жаҳлини чиқарди. Унинг вужудида аллақандай ҳис туғён қилди. Вужуди титраб гапира олмади. Правление аъзолари Ойдананинг аччиғланганини сезиб, унга ҳар тарафдан савол бера бошладилар. Ниҳоят, Ойдана ўзини босиб олиб ҳаяжон билан деди:

— Ота-боболаримиз: «Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деб бекорга айтмаган. Мен шу ҳикматли гапга амал қилиб ерни шудгорлатиб қўйдим. Охунерга пахта экинглари деган гапингиз эсингиздами Рамат оға. Бу ҳақда ҳатто агроном билан ҳам келишган эдик. Бироқ бугун ўша сўзингиз айри чиқяпти. Иккиланишингизга Малпейнинг гапи сабаб бўлса керак, билман. Ер керак бўлса, юраги бўлса Охунерни ўзи эксин. Малпей Охунерни ёмонлаб, кейин уни укасига олиб бермоқчига ўхшайди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

Қуладиган ери шундаки, шу гавдаси билан Жилкелди оға ҳам ваҳима гапларга ишониб, қўрқиб юрибди. Биз тракторчи билан кунни туни шу жойда ишладик. Нурхўжа ҳам бирга бўлди. Ҳеч қанақа инс-жинс кўринмади. Сал уятни, ор-номусни ҳам уйлаган яхши, ўртоқлар. Бригадамиз ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмай қолди. Ҳосил мўл бўлса ҳам у-бу бўлиб, пахтани йиғиб ололмадик. Пахтамиз очилиб, сочилиб турганда Малпейга ўхшаганларнинг хотини уйида қўл қовушгириб ўтирди. Меҳнат қилмаган одам тилига зўр беради, йўқ ердаги гапларни тўқиб-бичади. Ойдана ютиниб олиб, давом этди.— Бу андишасизлик, ўртоқлар. Хотини, синглиси, онасини ишга чиқармай правление аъзосиман деб бу ерда керилиб ўтириш Малпейга ярашмайди. Иш шу аҳволда кетаверса юзимиз шувут бўлиб қолади. Биз ҳам илғорлар қаторига ўтсак, олдинда бўлсак деймиз. Малпей буни ўйлармикан сира! Етти йиллик сафарга отландик. Коммунистик меҳнат бригадалари ташкил этиляпти. Ҳозир янги ҳаётнинг гулзори очилди. Бизга меҳнатсевар, иш берадиган одам керак. Менимча, уни бригада бошлиғи қилмаслик керак эди. Чунки Малпей масъулиятни сезмайдиган одам. Шундай бўлса ҳам, Рамат оға, унга кўп ишонасиз. Жангчиқмас овулидаги донгдор пахтакор Ҳамида мени социалистик мусобақага чақирганини район слётида ўз қулоғингиз билан эшитдингиз. Мен 50 центнердан пахта бераман дедим. Кейин, шу гапни Малпейга айтганимда, мени табриклаш ўрнига: «Кўрпангга қараб оёқ узатсанг бўлмайдими, нега ҳовлиқасан» деб мазах қилди. Охунерни эчмоқчимиз десам, эркакларнинг ишига бурнингни тикма деб ўзини катта олди. Раҳбарга шундай қилиш муносибми? Бундайларни меҳнатда тарбиялаш, йўлга солиш керак. Охунер масаласини правлениенинг ўзи ҳал қилар,— Ойдана гапини тугатиб ўрнига ўтирди.

Эшик очилиб, узун бўйли, иягида жароҳат изи бор, қотма йигит кирди. Бу — партия ташкилотининг секретари Суюндиқ эди.

Малпей ўрнидан сакраб туриб, ўтирган стулни унга таклиф қилди, ўзи эшикка яқин, шкаф ёнидаги кўримсиз скамейкага бориб ўтирди.

— Масала чатоқ, Суюндиқ,— деди Рамат рўмолчаси билан лавлагидай қизарган юзини артиб.— Ойдана синг-

лимиз тақир ердан чанг чиқаряпти, Малпейни одам қаторидан чиқариб қўйди. Бошим қотиб қолди. Бу Охунер дегани бир бало бўлди...

Суюндиқ бир оз сукут қилди-да, ўз мулоҳазасини айтди:

— Малпей ҳам қоғозга ўралган қанддай оқ бўлмаса керак, ўзидан гап ўтгандир.

Малпей кирпичдай бўйнини ичига тортиб, ўзини панага олди. Оғир сўлиш олиб, ҳимоя кутгандай кўзини раисга тикди.

— Малпейда нима гуноҳ бўлиш мумкин? — деб елкасини қисди Рамат.

— Ўзига сув юқтирмайдиган одам гуноҳини ҳам юқтирмаслиги мумкин, — деди Суюндиқ. — Қандай бўлмасин Малпейни ҳовуридан тушириб қўйиш керак.

Малпей чарви ўғирлаган мушукдай типирчилаб қолди. Ойдана бу ёғи нима бўларкин деб жим ўтирарди.

Ҳа, бугун бўлмаса эртага Малпейнинг шундай гап чиқаришига Суюндиқнинг кўзи етган эди. Фақат ишнинг охири қаерга бораркин деб, Малпейни зимдан кузатиб юрарди. Малпейнинг Раматга: «Ойдананинг бурни кўтарилиб кетяпти, эҳтиёт бўлмасанг сени ҳам отдан ағдаради», деган гапидан ҳам хабари бор эди унинг. Бугун бўлаётган мажлиснинг сабаби ҳам шу. «Ёмон гап элни бузади, бундай бемаза ишларга барҳам бериш керак» Суюндиқ шундай қарорга келгач, правление аъзоларидан сўради:

— Кимда қандай таклиф бор?

— Менингча, Ойдананинг гапи тўғри, — деди ён дафтарига бир нарсаларни ёзиб ўтирган ўрта ёшлардаги киши. — Агар раис ҳақиқат олдида кўз юммаганида бу масала боя ҳал бўлиб кетарди.

Суюндиқ жиззакилик қилаётган Раматни тўхтатиб, Нурхўжага савол берди:

— Қани, сен нима дейсан?

Дераза қаршисида ўтирган Нурхўжа қўзғалиб қўйди-да: илжайиб:

— Мен нима дердим? Пичоқ ўз сопини кесмайди дейишади. Ўз хотинимни ўзим ёмонлармидим, — деди.

— Агар Ойдананинг ҳалиги гаплари рост бўлса, Малпейга уят, — деди аллаким.

— Ойдананинг ташаббусини қўллаш керак!

Гап ўзига тегаётганини сезган Рамат тумтайиб ўр-